



## **Course: Islamic Finance**

# **Lecture 8: Establishment of Islamic Banking Windows in Conventional Banks**

**Lecturer: Dr. Shaamirova Surayyo**

1

## Ислом Тараққиёт Банки гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти

---

# Жаҳон ислом молияси тизимининг умумий тавсифи

Исломий молия саноати 2024 йилда 80 дан ортиқ мамлакатда 3,88 триллион доллар (+14,9%) қийматга баҳоланган:

Исломий банкчилик – 2,37 триллион доллар

Сукук – 875 миллиард доллар

Такафул – 33,14 миллиард доллар



Дунёдаги шариат талабларига мувофиқ активларнинг деярли 95% атиги 10 та давлат ҳиссасига тўғри келади. Улар:

Саудия  
Арабистони ва  
Эрон – ҳар бири  
25–30%

Малайзия –  
12%

БАА – 10%

Қувайт &  
Қатар – 5,5%

Туркия &  
Баҳрайн –  
3,5%

Индонезия &  
Покистон –  
2%

# Ўзбекистон да ислом молияси бозорининг умумий тавсифи

Ўзбекистон 2003 йилдан буён Ислом тараққиёт банки (IsDB)нинг аъзо давлати ҳисобланади.

IsDB Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг сўнгги 20 йили давомида мамлакатга 4,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағларини ажратган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ислом молияси бўйича қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш жараёни давом этмоқда.

IsDB экспертлари прогнозларига кўра, ислом молияси бўйича қонунчилик базаси яратилгандан сўнг Ўзбекистон ҳар йили 10 миллиард АҚШ долларигача инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Amount in US\$ million	Source	2021	2022	2023	2024	2025	Total**	%
<b>IsDBG Total Net Approvals</b>	<b>IsDBG</b>	<b>150.3</b>	<b>870.7</b>	<b>320.5</b>	<b>711.7</b>	<b>388.0</b>	<b>4,820.7</b>	<b>100.0</b>
IsDB OCR	IsDBG	30.0	500.8	-	338.8	102.7	2,795.7	58.0
ICD	IsDBG	10.0	182.9	65.3	145.0	25.0	803.0	16.7
ITFC	IsDBG	100.0	187.0	255.0	217.5	260.0	1,185.5	24.6
Other Funds	IsDBG	10.3	-	0.2	10.4	0.3	36.5	0.8

Ўзбекистонда ислом молияси  
бозорининг умумий тавсифи

Source: IsDB country report,  
2026

# Cont.,

- Тижорат банклари томонидан “Islamic Window” тизимлари жорий этилмоқда.
  - ❖ “Ҳамкорбанк” 2022 йил 18 февралдан бошлаб исломий лизинг хизматларини таклиф этишни бошлади.
  - ❖ “Трастбанк” 2023 йилда шўъба корхона ташкил этиш орқали ўзининг “Islamic Window” тизимини ишга туширди.
  - ❖ “Ҳаёт Банк” 2023 йил март ойидан бошлаб исломий лизинг хизматларини йўлга қўйди.
- |   |  |  |
|---|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"><li>➤ <u>IW жорий этишни режалаштираётган банклар</u></li><li>❖ Asia Alliance Bank</li><li>❖ Xalq Bank</li><li>❖ Ipak Yo’li Bank</li><li>❖ Kapitalbank</li><li>❖ Turonbank</li><li>❖ Orient Finans Bank</li><li>❖ Agrobank</li><li>❖ etc.</li></ul> | <ul style="list-style-type: none"><li>➤ <u>Такафул хизматларини таклиф этувчи суғурта компаниялари:</u></li><li>❖ Temiryo’l Sug’urta</li><li>❖ Neo Insurance</li><li>❖ Apex Takaful</li><li>❖ UZARO</li><li>❖ Gross Insurance</li><li>❖ etc.</li></ul> | <ul style="list-style-type: none"><li>➤ <u>Шариат тамойилларига асосланган молиявий инструментлар (BNPL)ни таклиф этувчи ММТ:</u></li><li>❖ Iman Invest</li><li>❖ Alif Nasiya</li><li>❖ Allgood Nasiya</li><li>❖ Aloqa Business</li><li>❖ etc.</li></ul> |
|---|--|--|
- ❖ IW тизимига эга лизинг компаниялари
  - ❖ Taiba Finance (former Taiba Leasing) – 2010 йилдан буён ICDнинг шўъба компанияси ҳисобланиб, Ижара ва Муробаҳа хизматларини таклиф этади.
  - ❖ Uzbek Leasing International A.O. – 2023 йилда IW тизимини жорий этган, Ижара ва Муробаҳа хизматларини таклиф этади.
  - ❖ Nayot Finance Corp (Nayot Ijara) – 2023 йилда ташкил этилган бўлиб, автомобиллар учун исломий лизинг хизматларини таклиф этади.

# ИМ бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар

*“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий этишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2026 йил 27 мартдаги УРҚ-1126-сон Қонуни*

## Қонуннинг асосий мақсади:

- ИМ хизматлари учун ҳуқуқий асос яратиш
- Тижорат банкларида “Islamic Window” тизимини жорий этиш
- Шариат тамойилларига асосланган молиявий маҳсулотларни тартибга солиш

# ИМ бўйича амалга оширилаётган ислохотлар

Ҳозирги асосий йўналишлар:

Қонунчилик базасини шакллантириш

Қуйидаги норматив ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш устида иш олиб борилмоқда:

- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун
- Фуқаролик кодекси
- Солиқ кодекси
- Марказий банк тўғрисидаги қонунчилик
- Лизинг тўғрисидаги қонунчилик

# Қонунчиликда киритилаётган асосий ўзгаришлар

## Банк соҳасида:

- “Islamic Window” фаолиятини расман тан олиш
- Шариат кенгашларини ташкил этиш
- Исломий молиявий маҳсулотларни лицензиялаш

## Солиқ соҳасида:

- Икки қарра солиққа тортиш муаммосини бартараф этиш
- Муробаҳа ва Ижара операциялари учун солиқ имтиёзлари

## Молиявий назорат соҳасида:

- AAOIFI ва IFSB стандартларини жорий этиш
- Шариат аудит тизимини шакллантириш

# Марказий банк ва давлат органлари фаолияти

- **Амалга оширилаётган ишлар:**

- Ислом молияси бўйича ишчи гуруҳлар ташкил қилинди
- IsDB ва халқаро экспертлар жалб қилинмоқда
- Банк ходимлари учун малака ошириш дастурлари ўтказилмоқда
- Исломий молия бўйича пилот лойиҳалар ишга туширилмоқда
- Regulatory Sandbox механизмлари муҳокама қилинмоқда


2

## Ўзбекистонда Ислom молия хизматларига бўлган талаб

---

## Ўзбекистонда Ислом молия хизматларига бўлган талаб

Uzbekistan has the largest Muslim population in the Commonwealth of Independent States region  
Muslim population by country



Манба: Pew Research Center and Moody's Investors Service, 2020

## Ўзбекистонда Ислом молия хизматларига бўлган талаб

Эътиқодига кўра анъанавий молиявий хизматлардан фойдаланмаслик иккинчи асосий сабаб сифатида кўрсатилган.

	Major Reason for Not Using Formal Financial Services (a)	Major Reason for Having No Bank Account (b)
1 Insufficient money to use financial institutions	0.4	35.9
2 Lack of the necessary documentation	21	17.6
3 Someone else in the family already has an account	30	16.6
4 Financial institutions are too far away	12	11.8
5 Financial services are too expensive	44	11.2
6 Lack of trust in financial institutions	10	9.8
7 Religious reasons	30	2.0

## Cont.,



Эътиқодига кўра,  
анъанавий банклар  
кредитларидан  
фойдаланмайди.

Ислом дарчалари /  
банклари очилса, улар  
билан ишлашга тайёр

# Хукуматнинг қўллаб қувватлаши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 Март 2019 йилдаги 4224-сонли **“Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи фонди билан ҳамкорликни янада кенгайтириш”** тўғрисидаги Қарори мамлакатда Ислом молиясини жорий этишда ҳукуматнинг тайёр эканлигини англатади.

Бундан ташқари, Президентнинг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам **“Ислом молия хизматларининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вақти келди. Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлардан мутахассислар жалб этилади”** деб айтиб ўтди.

Натижада, Ислом тараққиёт банки гуруҳининг 46-йиллик Анжумани 2021 йил 1-4 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас. Ушбу анжуман давомида Ислом тараққиёт банки Ўзбекистон ҳукуматига **“Ислом молиясининг ҳуқуқий асослари”**ни ишлаб чиқиш учун грант ажратди.

**3**

## **Ўзбекистонда Ислом молиясини жорий этиш ва унинг фойдалари**

---

## Ислом дарчалари бўйича Moody's шархи

- 2020 йил 3 Декабрда хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси Ўзбекистонда активлари бўйича 6-ўринда жойлашган Халқ банки билан ушбу банкда Ислом дарчасини очиш бўйича Маслаҳат Хизматлари Келишувини имзолади.
- Ислом дарчасини очиш Халқ банки ва бошқа тижорат банкларига Ўзбекистонда ривожланмаган Ислом банкчилигини тақдим қилиш орқали сезиларли ўсишга эришиши мумкинлигига замин яратади. Ушбу янги, аммо салоҳияти юқори бўлган соҳа банкларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, банкларнинг халқаро Ислом молия муассасалари манбаларидан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини оширади.



# Ўзбекистонда ИМ жорий этиш ва унинг фойдалари



**\$ 10 млрд.**  
инвестиция



**10 мингта**  
янги иш ўрни



**\$ 100 млн.**  
бюджет даромади



**пул айланмалари-**  
нинг ортиши



**рақобат**  
даражасининг  
ортиши



**хатарлар тақсимоти ва**  
суғурталаш кўламининг  
ортиши



**фан-**  
таълимда  
янги йўналиш



**аҳолининг**  
молиявий  
саводхонлиги



**МДХда ислом**  
молияси маркази



**“яширин**  
иқтисодиёт”  
ҳажмининг  
камайиши



**камбағалликнинг**  
камайиши



**самарасиз жамғаришлар-**  
нинг камайиши



**давлатнинг бюджети**  
ижтимоий юкининг  
камайиши

# Ўзбекистонда ИМ жорий этиш ва унинг фойдалари

- Хориждан келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- Банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- Аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларини иқтисодиётга жалб қилиш ва ушбу маблағларнинг иқтисодиётдаги максимал иштирокини таъминлаш;
- Мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш;
- Янги иш ўринлари яратиш;

# Ўзбекистонда ИМ жорий этиш ва унинг фойдалари

- Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини ошириш;
- Ислом молия хизматлари саноатини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;
- Янги молиявий муассасалар ташкил қилиш;
- Камбағалликка қарши курашиш давлат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиш;
- Янги йўналишда мутахассислар тайёрлаш дастурини яратиш.

# Ислом дарчаси тушунчаси

## Таърифи

- “Ислом дарчаси анъанавий банк қошидаги алоҳида / махсус бўлим бўлиб, Шариат тамойиллари асосида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ва хизматларни таклиф этади.”
- Ислом дарчаси ўзининг хизматларини анъанавий банкнинг барча филиаллари ва махсус филиаллар орқали таклиф қилиши мумкин.

## Ислом дарчасининг афзалликлари



# Ислом дарчасига қўйиладиган талаблар

## Раҳбарлар ва ходимларнинг масъулияти

- Бундай тижорат фаолиятини олиб боровчи молиявий муассаса раҳбарлари ушбу концепцияга тўлиқ ишониши ва унга тўлиқ содиқ ва фидойи бўлиши керак.
- Фатволар ва шартномалар қанчалик қатъий бўлмасин, Шариат тамойилларига риоя қилишга етарлича самимий ва содиқ одам бўлмаса, Исломий дарча фаолиятини тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш .
- Ислом дарчаси бўйича масъул ходимлар анъанавий банкчилик билан шуғулланувчи ходимлардан ажралиб туриши ва уларни танлаб олишда эса, уларнинг ислом битимлари юзасидан тушунча ва масъулиятини ҳисобга олиш керак бўлади.

## Ресурсларни / маблағларни тўлиқ ажратилганлиги

- Ислом дарчасининг ҳисобварақлари анъанавий банкнинг фаолиятидан алоҳида ва ажратилган ҳолда юритилиши керак.
- Исломий дарча томонидан тақдим қилинаётган барча хизматлар анъанавий банкчилик хизматларидан алоҳида ва мустақил бўлиши керак.
- Юқоридаги талабларнинг бажаралишини эса тегишли дастурий таъминот орқали таъминлаш мумкин.

# Ислом дарчасига қўйиладиган талаблар

## Шариат Кенгаши / Қўмитаси

- Ҳар қандай ислом молия муассасаси учун мустақил Шариат кузатув кенгаши бўлиши талаб этилади ва ушбу кенгаш молиявий амалиётлар бўйича фатволар чиқариши учун юқори малакага эга бўлган ишончли олимлардан иборат бўлиши керак.
- Йил давомида амалга оширилган операциялар Шариат нуқтаи назаридан назорат қилиниб турилиши, ушбу операциялардан олинган даромадларнинг ҳалол бўлишини таъминлайди.

## ААОИҒИ билан мувофиқлик

- Ислом молия муассасалари учун ААОИҒИ барча ислом молия институтлар риоя қилиши ва амалга ошириши керак бўлган бир қатор бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини жорий қилган.
- Чалкашликлар, тушунмовчиликлар ва ноаниқликларга йўл қўймаслик, аниқ ва соғлом иш фаолиятини таъминлаш учун молия муассасалари ушбу стандартларга риоя қилишлари керак бўлади.

# Ислом банкчилиги даги операцион муаммолар

Ислом банкининг асосий муаммоси шариат талаблари ва бизнес эҳтиёжлари ўртасидаги МУВОЗАНАТдир

Қўшимча шариат талаблари бажарилмаса, Банк учун хавф туғдиради

Нотўғри назорат, инсон хатоси ва талабларни нотўғри тушуниш кўпинча шариатга тўғри келмайдиган ҳодисаларга олиб келади (Shari'ah Non-Compliant Events)

# Фойдаланилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2026 йил 27 мартдаги ЎРҚ–1126-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий этишга қаратилган қушимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ–4224-сон қарори “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи фонди билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида”.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 28 декабрь.
- Islamic Development Bank (IsDB). *Country Engagement Framework for Uzbekistan*. Jeddah, 2026.
- AlHuda Centre of Islamic Banking and Economics (CIBE). *The Outlook of Islamic Finance in 2025*. Dubai, 2025.
- Moody’s Investors Service. *Sector Comment: Islamic Finance Opportunities in Uzbekistan*. 2021.
- Asian Development Bank Institute (ADBI). *Financial Inclusion, Regulation and Literacy in Uzbekistan*. Tokyo, 2020.
- United Nations Development Programme (UNDP). *Analysis of Islamic Financing Instruments in Uzbekistan*. Survey Report, 2020.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

---